

**ФАВҚУЛОДДА ҲОЛАТ (ЗИЛЗИЛАЛАР, ТАБИЙ ОФАТЛАР) СОДИР  
БЎЛГАНДА УЛАРНИ БАРТАРАФ ЭТИШ БЎЙИЧА ЧЕТ ЭЛ  
ТАЖРИБАСИ**

*Райимқулов Шерзод Зокир ўгли  
Ўзбекистон Республикаси Жамоат хавфсизлиги университети  
Магистратура тингловчиси, капитан*

**Аннотация:** Ушбу мақолада фавқулодда ҳолат тушунчаси ҳамда у содир бўлганда уларни бартараф этиш ҳақида сўз боради. Шунингдек, хорижий давлатларда фавқулодда ҳолатлар содир бўлганда уларни бартараф этиш усуллари муҳокама чиқилади.

**Калит сўзлар:** фавқулодда ҳолат, зилзила, цунами, табиий офат, хавфсизлик, хориж тажрибаси.

**Аннотация:** В данной статье обсуждается понятие чрезвычайных ситуаций и способы борьбы с ними, когда они происходят. Также будут обсуждены методы ликвидации чрезвычайных ситуаций в зарубежных странах.

**Ключевые слова:** чрезвычайная ситуация, землетрясение, цунами, стихийное бедствие, безопасность, зарубежный опыт.

**Annotation:** This article discusses the concept of emergencies and how to deal with them when they occur. Methods for dealing with emergency situations in foreign countries will also be discussed.

**Keywords:** emergency, earthquake, tsunami, natural disaster, security, foreign experience.

Хар қандай турдаги хавф-хатарли ҳолатлар муайян шароитларда, муҳитда фавқулодда вазиятларга олиб келади. фавқулодда вазиятлар оқибатлари турли туман бўлади. Улар фавқулодда вазиятлар турига, тусига ва тарқалиш миқёси (масштаби)га боғлиқдир. Фавқулодда вазиятлар асосий турлари: ўлим, одамларни касалланиши, иншоотларнинг бузилиши, радиоактив ифлосланишлар, кимёвий ва бактериал захарланишлар. Яна шуни алоҳида қайд қилиш керакки, фавқулодда вазиятлар нинг кўпгина ҳолатларида бошқа зарарли омиллар билан бирга руҳий жароҳатловчи ҳолатлар ҳам мавжуд бўлади. Бу пайтда ўта кучли тасодифий таъсирилар одамнинг руҳий ҳолатини бузулишига олиб келади. Бу таъсирнинг хавфли ери шундаки, бу руҳий ҳолат фақатгина шу таъсир ҳудудидагина эмас, ундан чиққандан кейин ҳам давом этиши мумкин. Фавқулодда вазиятлар олдиндан маълум аниқликда аниқлаш мумкин бўлса-да, аммо, унинг руҳий таъсирини аниқ айтиш мушкул ҳисобланади.

Фавкулотда ҳолатларнинг зарарли ва хавфли омиллари таъсири остида жойлашган аҳоли, ҳайвонлар, иншоотлар, моддий ресурсларни барчаси «шикастланиш ўчоғи» дейилади. Оддий (бир турли) шикастланиш ўчоғи деб, фақат бир шикастловчи омил таъсирида ҳосил бўладиган ўчоқ тушунилади. Масалан: портлаш, ёнғин натижасида бузилиш, кимёвий заҳарланиш кузатилади. Мураккаб (кўп турли) шикастланиш ўчоғи деганда бир неча шикастловчи омиллар таъсирида юзага келиши тушунилади. Масалан, кимё корхонасидаги портлаш - биноларнинг бузилишига, ёнғин, кимёвий заҳарланиш каби оқибатларга, ер силкиниши - кучли бўрон, иншоотларнинг бузилишидан ташқари, сув тошқини, ёнғинлар, электр тармоқларининг ишдан чиқиши, заҳарли газларнинг чиқиб кетиши натижасида заҳарланиш ва бошқа талофотларга олиб келиши мумкин.

Фавкулотда ҳолатлардан ҳимояланишнинг асосий шарти, шароитни баҳолай олиш, келтириб чиқарган сабабини ва унинг механизмини билишдир. Жараённинг моҳиятини билиб, унинг оқибатини олдиндан айтиб бериш мумкин, ўз вақтида ва аниқ олинган маълумот самарали ҳимоя учун ўта муҳимдир.

Шу ўринда фавкулотда ҳолат тушунчасига таъриф бериб ўтсак. Ўзбекистон Республикасининг “Фавкулотда ҳолат тўғрисида”ги Қонунининг 3-моддасида фавкулотда ҳолат тушунчасига таъриф бериб ўтилган. Унга кўра, фавкулотда ҳолат – Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг, чет эл фуқароларининг ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахсларнинг ҳуқуқ ва эркинликларига, шунингдек юридик шахсларнинг ҳуқуқларига нисбатан ушбу Конституциявий Қонунда назарда тутилган айрим чекловлар белгилашга йўл кўядиган ҳамда уларнинг зиммасига қўшимча мажбуриятлар юклайдиган, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига мувофиқ Ўзбекистон Республикасининг бутун ҳудудида ёки айрим жойларида вақтинча жорий қилинадиган давлат бошқаруви органлари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат ноижорат ташкилотлари ҳамда ташкилий-ҳуқуқий ва мулкчилик шаклидан қатъи назар, бошқа ташкилотлар, уларнинг мансабдор шахслари фаолиятининг алоҳида ҳуқуқий режими.

Фавкулотда ҳолатни жорий этиш мақсадлари уни жорий этиш учун асос бўлиб хизмат қилган ҳолатларни бартараф этишдан, Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг хавфсизлигини ҳамда Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузуми ва ҳудудий яхлитлиги ҳимоя қилинишини таъминлашдан иборат. Демак, мамлакатда фавкулотда ҳолатларни бартараф этиш энг муҳим вазифалардан бири ҳисобланади. Бу борада эса дунё тажрибасини ўрганиш табиий офатлар пайтида уни самарали бартараф этиш ва кам талофот кўриш учун сабаб бўлиши мумкин. Шундай экан, қуйида зилзила ва

бошқа табиий офатлар содир бўлганда уларни бартараф этишда Япония давлати тажрибасини муҳокама қиламиз.

Япония худуди 377 944 м<sup>2</sup> ташкил қилади. У худуди жиҳатидан мисол учун, Германия каби давлатнинг худуди билан деярли тенг. Аҳоли сони бўйича Япония дунёнинг етакчи ўнта давлатидан бири бўлиб, унинг худудида 125,7 миллионга яқин аҳоли истиқомат қилади. Шимолдан Японияни Охот денгизи, шарқдан ва жануби-шарқдан Тинч океани, ғарбдан эса Япония денгизи ва Шарқий Хитой денгизи ювиб туради. Соҳил чизиғининг узунлиги 29,8 минг километрни ташкил этади. Япония қуруқликдан чегарага эга эмас.

Япония ўзининг бутун тарихи давомида табиий офатлардан (зилзилалар, вулқон отилиши, цунами, тайфунлар)дан кўп бор жабр кўрган. Бу ерда 100 дан ортиқ фаол вулқонлар мавжуд. Сайёрадаги ҳар бешинчи зилзила магнитудаси 6 баллдан юқори бўлган Японияда содир бўлади. Бироқ мазкур давлатда фавқулотда ҳолатларни бартараф этиш тизими ривожланган бўлгани ҳамда замонавий огоҳлантириш тизими туфайли бу ерда қурбонлар сони бошқа мамлакатларникига қараганда анча кам.

Мамлакат худудининг қарийб 73 фоизини тепаликлар ва тоғлар эгаллайди, уларнинг 450 дан ортиғи вулқонлар, шу жумладан камида 110 та фаол вулқонлар (бу дунёдаги бошқа мамлакатлардан анча кўп). Улардан энг фаоллари Асама, Миҳара, Асо, Сакуражима ва бошқалар. Япониянинг асосий тоғи Фудзияма фаол вулқон бўлиб, унинг охириги отилиши 1707 йилда содир бўлган. Отишмалар деярли ҳар йили содир бўлиб, кўпинча одамларнинг қурбон бўлишига олиб келади. Жамият хавфсизлигига яққол таҳдид деярли ҳар куни содир бўладиган зилзилалардир. Ҳар йили 1500 тагача зилзилалар қайд этилади, гарчи уларнинг тўртдан бир қисми ер юзиде сезилади. Энг кучли зилзилалар 10-30 йил оралиғида такрорланади.

1923 йил 1 сентябрьда “катта зилзила” содир бўлиб, Токио ва 30 км узоқликдаги қўшни шаҳарни вайрон қилган. Ўшанда 74 минг япон ҳалок бўлган, бу фақат расмий маълумотлар, шундан 540 мингга яқин инсонлар бедарак йўқолганлиги ҳақида ҳам маълумотлар бор. Бундан ташқари, одамлар биринчи навбатда зилзила ёки цунамидан эмас, балки шаҳарлар бутунлай вайрон бўлганлиги сабабли, ёнғинли торнадодан азият чекишган. Мазкур офатда Токио кўрфазидаги нефть омборларидан ёғ ва керосин тўкилган ҳамда ёнғинли торнадо ҳамма нарсани остун-устун қилиб юборган. Ўша воқеадан бери ҳар йили 1 сентябрь Японияда табиий офатларга тайёргарлик куни сифатида нишонланади. Ва ҳар йили 1 сентябрь куни Японияда тайёрликни текшириш учун умуммиллий тренинглари ўтказилади.

Бундан ташқари, “Буюк Ханшин-Аважи” зилзиласи Япония тарихидаги энг катта зилзилалардан бири ҳисобланади. 1995 йил 17 январь куни эрталаб

Кобе шахрида мазкур зилзила содир бўлган. Унинг момент магнитудаси 6,9 ни ташкил этди. Зилзила манбаи Аважи ороли остида 15-20 км чуқурликда жойлашган ва шаҳар остидаги Акаши бўғозида жойлашган тектоник ёриқ билан боғлиқ. Зилзила оқибатида 6434 киши ҳалок бўлган. Зарар тахминан 10 триллион япон иенни (102,5 миллиард АҚШ доллари) ёки Япония ЯИМнинг 2,5 фоизини ташкил қилган.

Кўпчилик гувоҳ бўлган 2011 йил 11 мартда Япониянинг шимоли-шарқида 9,0 магнитудали йирик зилзила содир бўлади, бу расман Буюк Шарқий Япония зилзиласи деб номланган ва Япония тарихида энг катта талофат келтирган табиий офат сифатида из қолдирган.

Демак, юқорида Япония давлати тарихида кўплаб зилзиладар ва табиий офатлар содир бўлгани ҳақида айтиб ўтдик. Хўш, японлар мазкур табиий офатларни бартараф этишда қандай усуллардан фойдаланишади? Қўйида Япониянинг фавкулотда ҳолатларони бартараф этиш тажрибаси ҳақида айтиб ўтамиз.

**Биринчи усул. Табиий офатлардан ҳимоя қилиш учун норматив-ҳуқуқий ҳужжат яратиш.** Фавкулотда вазиятларнинг олдини олиш ва табиий офатлар оқибатларини бартараф этиш Япониянинг турли даражадаги ижроия органлари фаолиятининг муҳим йўналишларидан биридир. Мамлакатда аҳоли ўртасида йўқотишларни камайтириш ва моддий зарарни камайтиришга қаратилган қатор қонун ҳужжатлари ишлаб чиқилган.

Бу борадаги биринчи норматив ҳужжат 1961 йилда қабул қилинган “Табиий офатлардан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги асосий қонун ҳисобланади. Қонун Исе кўрфазидидаги (1959 йил 26-27 сентябрь) 5000 дан ортиқ одамнинг ҳаётига зомин бўлган, 833 965 киши яраланган ва 363 611 турар-жой биноларини сув босган кучли тўфондан кейин қабул қилинган.

Қонун ҳукуматнинг барча даражалари учун табиий офатлар оқибатларини камайтириш бўйича маъмурий чораларни кўрсатиб беради. Бундан ташқари 1978 йилда Японияда зилзиладан ҳимоя қилиш бўйича махсус қонун қабул қилинди. Қонунга кўра, янги зилзиладан ҳимоя қилувчи ташкилот директори зилзила прогнозларига оид маълумотларни шахсан мамлакат бош вазирига маълум қилиши шарт. Япония метеорология агентлиги аҳоли ва ташкилотлардан аномал табиат ҳодисалари ҳақидаги барча хабарларни қабул қилиб, рўйхатга олишни бошлади.

**Иккинчи усул. Аҳолини табиий офатларни бартараф этишга ўргатиш.** Барча япон мактабларида махсус фан – хавфсизлик маданияти мавжуд. 1-синфдан бошлаб болаларга табиий офатлар пайтида ўзини қандай тутиш кераклиги ўргатилади. Болалар эрта ёшдан бошлаб зилзила, сув тошқини, ёнғин ёки бошқа табиий офатлар пайтида нима қилиш кераклигини билишади. Шундай

қилиб, улар нафақат ўзларини, балки атрофдагиларни ҳам қутқара оладилар. Болалар боғчалари ва мактабларда озиқ-овқат захиралари ва сув ҳавзалари бўлган махсус бошпаналар ер остида қурилади. Агар зилзила содир бўлса, сиз бу бошпаналарда бир неча ой яшашингиз мумкин. Деярли ҳар бир японнинг уйида ўт ўчириш мосламаси бор. Барча меҳмонхоналарда чироғли дубулғалар мавжуд. Япониядаги фуқаролар бошқа давлат фуқароларидан фарқли ўлароқ, доимо мутахассисларнинг тавсияларига қулоқ солишади.

Статистик маълумотларга кўра, табиий офатлар пайтида японияликларнинг тахминан 80% ўзини ҳимоя қила олиш қобилиятига эга. Японияда жуда кўп турли хил селга қарши иншоотлар ва туннеллар мавжуд бўлиб, уларнинг чиқиш жойлари орқали тоғлардан сув оқиб ўтади. Дарёлар қирғоқларидан оқиб чиқмаслиги учун сунъий деворлар қурилади. Японлар ҳар қандай табиий офатга 100 фоиз тайёр бўлишнинг иложи йўқлигига ишонишади, чунки офат қандай шаклда ва қандай ҳажмда бўлишини олдиндан айтиб бўлмайди. Шунинг учун унинг оқибатлари билан курашишни ўрганиш японлар учун муҳим, ҳудди биз ўзбекларнинг “касални даволагандан уни олдини олган яхши” мақоли каби. Мисол учун айтиш мумкин, дунёнинг ҳеч бир давлати зилзилаларга Япониядан яхшироқ тайёр эмас. Чунки мутахассисларнинг фикрига кўра, 2011 йил март ойидаги кучли 9 балли зилзила содир бўлганда инфратузилмаларнинг 5 фоизидан кўпига зарар етмаган. Бутун Тохоку минтақасида ва Токиода кўп қаватли бинолар фақат чайқалган, бироқ уларнинг бирортаси ҳам қуламаган.

#### **Учинчи усул. Эрта огоҳлантириш ва тезкор бартараф этиш усуллари.**

2011 йил 11 март куни Токиода содир бўлган зилзиладан бир неча дақиқа олдин, Япония бўйлаб 1000 га яқин сейсмографлардан иборат эрта огоҳлантириш тизими яқинлашиб келаётган зилзила ҳақида телевидение орқали огоҳлантирган. Бу сейсмик S-тўлқинларнинг 4 км/сек тезликда ҳаракатланиши ва Токиогача бўлган 373 км масофани 90 сонияда босиб ўтиши мумкинлиги ҳақида айтилган. Тахминларга кўра, зилзиладан олдин хабар берган замонавий сейсмик кузатув ускуналари мамлакат аҳолисини огоҳлантиргандан кейин кўплаб одамларнинг ҳаётини сақлаб қолингани айтилади.

Ҳозирда эса J-Alert тизими Японияда табиий офатлар ва бошқа фавқулодда вазиятлар пайтида огоҳлантириш учун қўлланилади. У сунъий йўлдошлар орқали ишлайди, бу ҳукуматларга маҳаллий оммавий ахборот воситаларига огоҳлантиришларни тезда узатиш имконини беради. Расмий маълумотларга кўра, маҳаллий амалдорларни хабардор қилиш 1 сонияда содир бўлади ва фавқулодда вазият хавфи бўлган ҳудуд аҳолисига хабар етказиш учун 4 сониядан 20 сониягача вақт кетар экан.

**Тўртинчи учул. Қайта тиклаш ишларини ташкил этиш.** Кечикиш хавфини баҳолаб, ҳукумат зудлик билан тиклаш ишларини ташкил этишга киришди. 11 мартдаги zilziladan кейин шу заҳотиёқ Бош вазир бошчилигида тезкор штаб тузилган. Штаб авария ҳолатидаги атом электр станциясидаги вазиятни баҳолаш, аҳоли ва компанияларга етказилган зарарни қоплаш тартиби тўғрисидаги қонун лойиҳаларини тайёрлаш ҳамда устувор харажатлар учун бюджет захирасидан 200 миллиард иен (2,44 миллиард доллар) тўлашни ўз зиммасига олган.

Юқорида айтилган маълумотларга таяниб шуни хулоса қилиш мумкинки, табиий офатларнинг табиати шундайки, ҳатто офатларни (цунами, торнадо, zilzilalar, қор кўчкилари, сел оқимлари ва бошқалар) ва улар билан боғлиқ техноген ва антропоген хавфларни башорат қилишнинг ўта замонавий ва энг янги усуллари ҳам хавфсизликнинг 100% кафолатини таъминламайди. Бундай фавқулодда вазиятлар бўйича статистик маълумотларни тўплаш орқали инсоният фавқулодда вазиятларнинг ҳалокатли кучи ва зарарини тахмин қилишни ўрганмоқда, бу эртами-кечми, агар истисно қилинмаса, ҳеч бўлмаганда салбий оқибатларни минимал даражага туширишга имкон беради ҳолос. Фавқулодда ҳолатларда уни бартараф этишда хориж тажрибаси, хусусан Япониянинг табиий офатларни бартараф этиш тажрибаси ҳақиқатда пухта ўйланганлиги ва тез реакция кўрсатиши билан намуна сифатида фойдаланиш мумкин. Япония тажрибаси орқали мураккаб вазиятлардан нафақат энг қисқа вақт ичида, балки ўз давлати учун энг кам йўқотишлар билан ҳам енгиб ўтиш қобилиятини бир неча баробар камайтириш мумкин.

#### ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР:

1. Ўзбекистон Республикасининг “Фавқулодда ҳолат тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг Конституциявий Қонуни, 15.12.2021 йилдаги ЎРҚ-737-сон.
2. “Ҳаёт фаолияти хавфсизлиги” 2-қисм./ Холбаев Б.М., Рахимов О.Д., Махматкулов Н.И., –Т., 2020, 326 бет, ил. – Олий ўқув юртлари учун ўқув қўлланма.
3. Мюрэй Шунджи. Как Япония ликвидирует последствия стихийного бедствия глобального масштаба? Сайт: <https://cyberleninka.ru/article/n/kak-yaponiya-likvidiruetposledstviya-stihiynogo-bedstviya-globalnogo-masshtaba>.
4. Япония. Жизнь в ожидании катастроф. Сайт: <http://www.diapazon.kz/aktobe/aktobe-news/54177-yaponiya-zhiznv-ozhidanii-katastrof.html>.
5. Ю. И. Соколов. Илмий мақола: Табиий офатлани олдини олишда Япония тажрибаси (Опыт Японии в преодолении последствий стихийных бедствий).

#### ЭЛЕКТРОН МАНБАЛАР:

1. <https://lex.uz>
2. <http://scnc.ru/page.php?id=1528>